



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

2020 yil « 14 » апрель

№ 218

Toshkent sh.

Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан қабул қилинадиган қарорларни ишлаб чиқиш, келишиш ва рўйхатдан ўтказишнинг ягона электрон тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида

Мамлакатимизда хуқук ижодкорлиги фаолияти сифатини тубдан оширишга, қабул қилинаётган қонун хужжатларининг амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнига таъсирини кучайтиришга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг қарорларни қабул қилиш жараёнларининг мураккаблиги, шаффоғлиги таъминланмаганлиги ҳамда ушбу соҳага ахборот-коммуникация технологиялари жорий этилмаганлиги жойларда юзага келаётган муаммоларни ўз вақтида ва самарали ҳал қилишга тўскинлик қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Конституция ва қонун устуворлигини таъминлаш, бу борада жамоатчилик назоратини кучайтириш ҳамда жамиятда хуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2019 йил 13 декабрдаги ПҚ-4551-сон қарорида белгиланган вазифаларни бажариш ҳамда маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан фуқаролар ва тадбиркорлик фаолиятига тааллукли қарорлар қабул қилиш жараёнининг шаффоғлигини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари (кейинги ўринларда – ҳокимликлар), Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси (кейинги ўринларда – “Давергеодезкадастр” қўмитаси) ҳокимликлар томонидан “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Конуни расман кучга кирган вақтдан эътиборан (1993 йил 18 сентябрдан) 2020 йил 1 марта қадар қабул қилинган жисмоний ва юридик шахсларга ер ажратиш тўғрисидаги ўз кучида бўлган қарорларни 2020 йил 1 сентябргача тўлиқ хатловдан ўтказиб, тегишли ҳокимликларнинг расмий веб-сайтларида эълон қилинишини таъминласинлар.

2. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги “Давергеодезкадастр” қўмитаси ҳамда Адлия вазирлиги билан биргаликда қўйидагиларни назарда тутувчи маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг қарорларини ишлаб чиқиш, келишиш ва рўйхатдан ўтказишнинг ягона электрон – “**E-qaror**” тизимини (кейинги ўринларда – “**E-qaror**” электрон тизими) 2021 йил 1 январга қадар синов тариқасида ишга туширилишини;

маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг қарорларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш, рўйхатдан ўтказиш, уларга такрорланмайдиган махсус рақам бериш ва автоматик тарзда эълон қилиш жараёнини бошқариш ва назорат қилиш, шу жумладан, зарурат туғилганда манфаатдор идоралар томонидан лойиҳаларга электрон кўринишдаги виза қўйилишини;

маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг қарорлари лойиҳаларини қўриб чиқиш ва келишиш бўйича идоралараро электрон ҳамкорликни, шунингдек, уларни ишлаб чиқиш жараёни мониторинг қилинишини таъминласин.

3. Ягона электрон тизимдан фойдаланишда қўйидагилар давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

а) Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги:

“**E-qaror**” электрон тизимига эгалик қилиш ҳамда унинг сифатли ва узлуксиз фаолият кўрсатишини таъминлаш;

“**E-qaror**” электрон тизимининг функционал имкониятларини кенгайтириш бўйича белгиланган тартибда чоралар кўриш, тизимдан фойдаланиш жараёнида техник ёрдам кўрсатиш;

қонун хужжатларида белгиланган тартибда “**E-qaror**” электрон тизимининг ахборот хавфсизлигини таъминлаш;

тизимдан фойдаланувчилардан тушган таклифларни ҳисобга олган ҳолда “**E-qaror**” электрон тизими мунтазам такомиллаштириш ва модернизация қилиш;

б) Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги:

қарорларни факат “**E-qaror**” электрон тизими орқали қабул қилиш, рўйхатдан ўтказиш, уларга такрорланмайдиган махсус рақам бериш ва автоматик тарзда эълон қилиш жараёнининг доимий мониторингини олиб бориш;

“**E-qaror**” электрон тизимининг ишлаш тартиби ва механизмини тартибга солувчи қонун хужжатларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлаш;

маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, бошқа давлат органлари ва ташкилотларининг “E-qaror” электрон тизимидан самарали фойдаланишларини таъминлаш, шунингдек, ундан фойдаланиш масаласига методик раҳбарлик қилиш;

в) давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари:

қарорлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш жараёнлари “E-qaror” электрон тизими орқали тўлиқ амалга оширилиши бўйича тезкор ташкилий ва техник чора-тадбирларни амалга ошириш;

қарорларни қабул қилиш, рўйхатдан ўтказиш, махсус рақамлаш ва автоматик тарзда эълон қилиш жараёнида “E-qaror” электрон тизимидан мажбурий фойдаланиш ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган тартиб ва муддатларга қатъий риоя қилиш;

“E-qaror” электрон тизимини ишлаш тартиби ва механизмини такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлаш.

4. Куйидагилар:

“E-qaror” электрон тизимини яратиш ва жорий этиш бўйича амалий чора-тадбирлар режаси 1-иловага;

“E-qaror” электрон тизими орқали маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг фуқаролар ва тадбиркорлик фаолиятига тааллуқли ҳужжатлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш, келишиш (имзолаш) ва киритишнинг ташкилий схемаси 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Белгилансинки:

“E-qaror” электрон тизимининг узлуксиз фаолият кўрсатиши, техник хизмат кўрсатиш ва қўллаб-куватлаш, шунингдек унинг функционал имкониятларини янада такомиллаштириш билан боғлик харажатлар Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси ҳисобига молиялаштирилади;

2021 йил январь-май ойларида Қашқадарё вилоятида “E-qaror” электрон тизимини апробация қилиш юзасидан ҳукуқий эксперимент ўтказилади;

2021 йил 1 июлдан бошлаб ҳукуқий эксперимент натижалари асосида “E-qaror” электрон тизими республиканинг барча даражадаги маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларида жорий этилади.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда эксперимент натижаларидан келиб чиқиб, заруратга кўра, 2021 йил 15 июня қадар Вазирлар Маҳкамасига “E-qaror” электрон тизими фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича таклифлар киритсин.

7. Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 31 декабрдаги 355-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси КҲТ, 2013 йил, 2-сон, 17-модда) билан тасдиқланган Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг расмий веб-сайтига қўйиладиган асосий талабларнинг 1-бандига қўйидаги мазмундаги “б²” -кичик банд қўшилсин:

“б²) жисмоний ва юридик шахсларга ер ажратиш тўғрисидаги ҳужжатлар”.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари А.Ж.Раматов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил “14” апрелдаги 218-сон қарорига
1-илова

**“E-qaror” электрон тизимини яратиш ва жорий этиш бўйича
АМАЛИЙ ЧОРА-ТАДБИРЛАР РЕЖАСИ**

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Ижро учун масъуллар
1.	“E-qaror” электрон тизимини яратиш.	<ol style="list-style-type: none">“E-qaror” электрон тизимининг техник топшириғини ишлаб чиқиш.“E-qaror” электрон тизимининг дастурий таъминотини ишлаб чиқиш бўйича белгиланган тартибда танлов эълон қилиш.“E-qaror” электрон тизимининг дастурий таъминотини ишлаб чиқиш бўйича ғолиб ташкилот билан шартнома тузилишини таъминлаш.“E-qaror” электрон тизимини ишлаб чиқиш.	2020 йил 1 июнь 2020 йил 15 июнь 2020 йил июль–август 2020 йил декабрь	Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш. Садиков), Адлия вазирлиги (Р. Давлетов)
2.	“E-qaror” электрон тизимини Қашқадарё вилоятидаги давлат органлари ва ташкилотларида жорий этиш	<ol style="list-style-type: none">Куйидагиларни ўрганиш учун Қашқадарё вилоятидаги давлат органлари ва ташкилотларини хатловдан ўtkазиш: уларни “E-qaror” электрон тизимга улаш; мазкур давлат органлари ва ташкилотларнинг раҳбарлари ва масъул ижрочиларида электрон рақамли имзоларнинг мавжудлиги;	2021 йил январь	Қашқадарё вилояти ҳокимлиги (З. Мирзаев), Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш. Садиков), Адлия вазирлиги (Р. Давлетов), Давлат солиқ қўмитаси (Б. Мусаев)

		<p>“E-qaror” электрон тизимда ишлаш бўйича масъул ходимларни бириқтириш.</p> <p>2. Хатлов якунларига кўра Қашқадарё вилоятидаги давлат органлари ва ташкилотларини Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитаси хузуридаги Янги технологиялар илмий-ахборот маркази томонидан белгиланган тартибда бериладиган электрон рақамли имзо билан бепул таъминлаш.</p> <p>3. Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарлари, шунингдек, масъул ижрочилар (ташкилот раҳбари томонидан аниқланади) “E-qaror” электрон тизимига уланишини таъминлаш.</p>	2021 йил январь	
3.	Қашқадарё вилояти туман (шахар) ҳокимликларида “E-qaror” электрон тизимида ишлашнинг моҳияти ва тартибини тушунтириш.	<p>1. Масъул шахслар контингенти билан белгилаган ҳолда семинарлар ўtkазиш режасини тасдиқлаш ҳамда семинар ўтказувчи мутахассислар рўйхатини шакллантириш.</p> <p>2. Семинар иштирокчилари учун тарқатма материаллар тайёрлаш.</p> <p>3. Семинарларни режа-жадвал асосида самарали ташкил қилиш.</p>	2021 йил январь	Адлия вазирлиги (<i>Р.Давлетов</i>), Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (<i>Ш.Садиков</i>), Давлат солик қўмитаси (<i>Б. Мусаев</i>)
4.	Қашқадарё вилояти маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларида қарорларни “E-qaror” электрон тизими орқали қабул қилиш бўйича эксперимент ўтказиш.	<p>1. Қарорлар “E-qaror” электрон тизими орқали факат “E-qaror” электрон тизими орқали қабул қилиш, рўйхатдан ўтказиш, уларга такрорланмайдиган маҳсус рақам</p>	2021 йил январь-май	Қашқадарё вилояти ҳокимлиги (<i>З. Мирзаев</i>), Адлия вазирлиги (<i>Р.Давлетов</i>),

		<p>бериш ва автоматик тарзда эълон қилинишини тъминлаш.</p> <p>2. Эксперимент натижалари юзасидан хуоса ва таклифлар тайёрлаш.</p>	Заруратга кўра	Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш.Садиков)
5.	“E-qaror” электрон тизими니 республиканинг барча даражадаги маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларида жорий этиш.	<p>1. Куйидагиларни ўрганиш учун маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда худудий давлат органлари ва ташкилотларини хатловдан ўtkазиш:</p> <p>уларни “E-qaror” электрон тизимга улаш;</p> <p>мазкур ташкилотларнинг раҳбарлари ва масъул ижро чиларида электрон рақамли имзоларнинг мавжудлиги;</p> <p>“E-qaror” электрон тизимда ишлаш бўйича масъул ходимларни бириктириш.</p> <p>2. Хатлов яқунларига кўра маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда давлат органлари ва ташкилотларини Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Янги технологиялар илмий-ахборот маркази томонидан белгиланган тартибда бериладиган электрон рақамли имзо билан бепул тъминлаш.</p> <p>3. Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарлари, шунингдек, масъул ижро чилар (ташкилот раҳбари</p>	2021 йил июль	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш.Садиков), Адлия вазирлиги (Р.Давлетов), Давлат солиқ қўмитаси (Б. Мусаев)

		томонидан аникланади) “E-qaror” электрон тизимида уланишини таъминлаш.		
6.	“E-qaror” электрон тизимида ишлаш тартибини тушунтириш.	<ol style="list-style-type: none">1. Масъул шахслар контингенти билан белгилаган ҳолда семинарлар ўтказиш режасини тасдиқлаш ҳамда семинар ўтказувчи мутахассислар рўйхатини шакллантириш.2. Семинар иштирокчилари учун тарқатма материаллар тайёрлаш.3. Семинарларни режа-жадвал асосида самарали ташкил қилиш.	2021 йил июнь	Адлия вазирлиги (<i>Р.Давлетов</i>), Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (<i>Ш.Садиков</i>), Давлат солик қўмитаси (<i>Б. Мусаев</i>)
7.	“E-qaror” электрон тизимининг сифатли ва узлуксиз фаолият кўрсатишини таъминлаш.	<ol style="list-style-type: none">1. “E-qaror” электрон тизимини техник қўллаб-қувватлаш бўйича ишларни доимий равища ўтказиб бориш.2. “E-qaror” электрон тизимини мунтазам такомиллаштириб бориш ва модернизация қилиш.	Тизим ишга туширилганидан сўнг доимий равища	Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (<i>Ш.Садиков</i>), Адлия вазирлиги (<i>Р.Давлетов</i>)

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил “14” апрелдаги 218-сон қарорига
2-илова

**“E-qaror” электрон тизими орқали маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг фуқаролар ва тадбиркорлик фаолиятига
тааллуқли ҳужжатлари лойиҳаларини ишлаб чиқиши, келишиши (имзолаш) ва киритиши
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Масъуллар	Чора-тадбирлар	Муддатлар
1-босқич	Манфаатдор жисмоний ёки юридик шахс	Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ариза билан мурожаат қиласи	Заруратга кўра
2-босқич	Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органининг масъул бўлинмаси	1. “E-qaror” электрон тизимига белгиланган тартибда аризани кирим қиласи, иш юритувига қабул қиласи. 2. Аризани масъул таркибий бўлинма ёки ҳудудий давлат органига (кейинги ўринларда – лойиҳани ишлаб чиқувчи) юборади.	Белгиланган муддатларда
3-босқич	Лойиҳани ишлаб чиқувчи	1. Қарор лойиҳасини ишлаб чиқади. 2. Лойиҳани “E-qaror” электрон тизими орқали манфаатдор ҳудудий давлат органлари билан келишади.	Белгиланган муддатларда
4-босқич	Манфаатдор ҳудудий давлат органлари	1. Қарор лойиҳасини “E-qaror” электрон тизими орқали иш юритувига белгиланган тартибда қабул қиласи. 2. Белгиланган тартибда лойиҳани кўриб чиқади. 3. Қарор лойиҳасини келишади (виза қўяди) ёки зарурат бўлганда қарор лойиҳасини ишлаб чиқувчига белгиланган тартибда уни “E-qaror” электрон тизими орқали янада такомиллаштириш учун қайтаради. 4. Имзоланган қарор лойиҳасини лойиҳани ишлаб чиқувчига юборади.	Белгиланган муддатларда

5-босқич	Лойиҳани ишлаб чиқувчи	<p>1. Имзоланган қарор лойиҳасини “E-qaror” электрон тизимидан олади. Қарор лойиҳасини манфаатдор худудий давлат органининг тегишли хulosасини хисобга олган ҳолда (зарур ҳолларда) якуний кўриб чиқади. Электрон шаклда “E-qaror” электрон тизими орқали тегишли маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органининг юридик хизматига киритади.</p>	Белгиланган муддатларда
6-босқич	Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органи юридик хизмати	<p>1. Қарор лойиҳасини “E-qaror” электрон тизими орқали иш юритувига белгиланган тартибда қабул қиласи. 2. Қарор лойиҳасини белгиланган тартибда қайта кўриб чиқади (агар зарур бўлса). 3. Қарор лойиҳасини имзолаш учун маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органи раҳбарига киритади.</p>	Белгиланган муддатларда
7-босқич	Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органи раҳбари	<p>1. Қарор лойиҳасини “E-qaror” электрон тизими орқали қабул қиласи. 2. Қарор лойиҳасини имзолаш ёки белгиланган тартибда қайта кўриб чиқиш учун юридик хизматга қайтаради. 3. Имзоланган қарорни “E-qaror” электрон тизими орқали маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органининг умумий бўлимига эълон қилиш учун юборади.</p>	Белгиланган муддатларда
8-босқич	Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органининг масъул таркибий бўлинмаси	<p>1. Имзоланган қарорни “E-qaror” электрон тизими орқали қабул қилиб олади. 2. Қарорни мажбурий тартибда маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органининг ўз расмий-веб сайтида эълон қиласи.</p>	Белгиланган муддатларда

